

ДАРСЛИКЛАРИДАГИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КҮНИКМАСИНІ БАҲОЛАШГА МОСЛИГИ

Гулистан давлат университети
Мустақил изланувчиси
Алишер Абдурахмонов

Маълумки, жаҳон педагогикасидан маълумки, таълим тизимининг “таълим учбуручаги” деган тушунча мавжуд, фикримиз аввалида айтганимиздек, улар ўқув режаси, ўқитиш жараёни ва баҳолаш ҳисобланади. Дарслик эса уларнинг марказида жойлашган, барчасига узвий таъсир қиласи. ДТС ва ўқув дастурида акс этган таълим мақсади ва йўналишига мос бўлган мавзулар асосида дарслик яратилади, унда таркиб топган саволлар, топшириқлар ва машқлар асосида муайян мавзулар ўргатилади, ўқувчиларда амалий қўникмалар ва малакалар шакллантирилади. Яъни дарслик ўқитувчи учун дарс машғулотида ўқувчиларга ўргатилиши, ўзлаштириши керак бўлган БКМларнинг минимум чегарасини белгилайди. Дарс машғулотини янада бой, мазмунли қилиб ташкил этиш ўқитувчининг шахсий салоҳиятига, ишига бўлган муносабатига боғлиқ бўлади.

ДТС ва ўқув дастурида акс этган таълим мақсади ва йўналишига мос бўлган, ўқувчиларда фанга оид БКМ ва компетенциялари ривожлантиришга хизмат қиласидан, шу билан бирга, таълим сифатини баҳолаш учун ишлаб чиқиладан топшириқлар учун манба – асос бўлладиган педагогик ўқув материали дарслик ҳисобланади. Шу нуқтаи назар асосида амалдаги “Она тили” дарслкларида берилган машқ, топшириқ ва савол(МТС)ларни нутқий малакаларни ривожлантиришга, баҳолашга йўналтирилганлиги юзасидан таҳлил қилиб чиқамиз. Таъкидаш лозимки, илм-фан вақт ва давр нуқтаи назаридан янгиланиб бораверади, кейинги тадқиқотлар аввалги тадқиқотларнинг хатоларини топиш эмас, балки уларни давомчиси сифатида тўлдириб, бойитиб, такомиллаштириб боради. Натижада ҳар бир фаннинг ижтимоий аҳамияти ортаверади, ҳаётга бўлган фойдалилик томони ўсаверади. Умумий ўрта таълим бошланғич таълим (I–IV синфлар), таянч ўрта таълим (V–IX синфлар) ва ўрта таълим (X–XI синфлар) каби босқичларга ажратилади. Маълумки, бошланғич синфларда ибтидоий нутқий қўникмалар шакллантирилади, ривожлантирилади. Шу боис таянч ва ўрта таълим босқичларининг “Она тили” дарслкларида келтирилган, ўқувчиларнинг БКМларини ривожлантиришга хизмат қиласидан МСТларни таҳлил қилишни маъқул деб топдик.¹

Ҳақиқатан ҳам, Н. Маҳмудов ва бошқалар томонида ёзилган 5-синф учун “Она тили” дарслигида келтирилган МТСларни мазмун ва методикаси

¹ “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonun. <https://lex.uz/docs/-5013007>

юзасидан таҳлил қилиб чиқамиз.² Мазкур дарслик сўнгти авлод дарсликлари сирасига кирганилиги учун ҳам олдинги дарсликлардан талай янгиликлари билан фарқ қиласди. Ундаги МТСлар ўқувчиларнинг нутқий қўникмаларини ривожлантиришга, луғат бойлигини оширишга қаратилган. Асосан, оғзаки ва ёзма нутқни тўғри шакллантиради. Яъни ёзма ва оғзаки адабий тил меъёрларини ўргатишга йўналтирилган.

Яъни МТСлар орқали ўқиб, тинглаб тушуниш, ёзиш ва гапириш малакалари ҳамда ўқувчининг луғат бойлигини ошириш мумкин. Аммо нутқий малакаларни баҳолашга хизмат қиласидиган топшириқлар мазмун ва методикаси жиҳатдан бу топшириқлардан фарқли бўлади. Дарсликларда нутқий малакаларни баҳолашга қаратилган топшириқлар учрамайди. Битирувчи синфлар бўлгани учун 10-, 11-синф дарсликларида бунга алоҳида дикқат қаратилиши лозим.

Энди эса 2020 йилда нашр этилган Б.Менглиев ва бошқалар томонидан ёзилган 10-, 11-синфлар учун “Она тили” (II қисм) дарсликлари таркибидағи МТСлар ўқувчининг нутқий малакаларини: ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш, ёзиш ва сўзлаш қўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиласди, десак хато қимлаган бўламиз, чунки дарсликлардаги қарийб барча тошириқлар ўқувчида нутқ вазиятини, матндаги ахборотни ва ўзгани тушуниш ҳамда шахсий мулоҳозаларини тушунтириш, ифодалаш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган. Жумладан, қуйидаги машқ, топшириқ ва саволларда ўқувчининг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиради, ўқиб, тинглаб тушунишини шакллантиради ҳамда луғат бойлигини кенгайтиради.³

Ажратилган сўзларни синонимлари билан алмаштиринг. Содир бўлган услубий ва грамматик ўзгаришларни аниқланг. Ҳикоядан чиқарган хулосангизни бир жумлада ифодаланг. Қуйидаги сўзларнинг маъноларини изоҳли луғатдан аниқлаб, луғат дафтaringизга қўчиринг: *фасоҳат, юкунмоқ, сафолат, аркон, ҳавза, сиргоқ, валакисаланг, маҳдуд*. Матнни ўқинг ва мазмунини оғзаки баён қилинг. Тест. II. Берилган матндаги ажратиб кўрсатилган сўзлар қайси терминлар билан алмаштирилиши лозим? Матн мазмунини оғзаки баён қилинг. Ўз муносабатингизни билдиринг. Матнни ўқинг. Ўз хулосангизни 3-4 жумлада баён этинг. Матндаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг изоҳини тайёрланг. 1. Берилган туркий сўзларнинг бошқа тилларга ўзлашиш сабаблари ва уларнинг луғавий маъносини ўқитувчингиз ёрдамида топинг: *товариши, карандаш, утюг, Байкал, Енисей, бекат*. 1. Нима учун пароним сўзларни фарқлай олиш барча нутқ услублари учун ўта муҳим саналади? Энг муҳими, мазкур дарсликларда ўқувчиларнинг БКМларини текшириш учун бир қанча тест топшириқларидан фойдаланилган. Масалан: **Берилган матндаги ажратилган бирикма қандай маънода қўлланган?**

² Mahmudov N. va b. Ona tili. 5-sinf uchun darslik. –Toshkent: „Tasvir“ nashriyoti, 2020. – 194 b.

³ Mengliyev B. va b. Ona tili. 10-sin uchun darslik. –Toshkent: „O‘qituvchi“ nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 96 b.

– Бибинарзи, эломонлик бўлиб, ойдинликка чиқайлик, катта бир кутубхона қураман, – деди ота хомушгина термилиб турган хотинига.

– Ниятингизга етинг, отаси, **ойдинликка чиқайлик**, илойим.
(О.Хожиева)

- А. Ёруғ жойга борайлик.
- Б. Яхши кунларга етайлик.
- С. Ой ёруғига ўтайлик.
- Д. Юзимиз ёруғ бўлсин.

Қайси қатордаги фикр „Кўрнамак“ ҳикоятининг холосаси бўла олади?

- А. Савоби ошкорадан гуноҳи пинҳона афзал.
- Б. Савобнинг таги тешик.
- С. Меҳнасиз роҳат бўлмас, савобсиз – жаннат.
- Д. Тузини еб, тузлуғига тупурма.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлашимиз керакки, дарсликларда ўқувчининг сўздан фойдаланиш маҳорати – сўзни тўғри қўллай олиши, сўзни танлаб фойдаланиш, ёзма саводхонлик билан боғлиқ кўникмалари ҳам бир қанча тест топшириқлари ёрдамида текширилмоқда.

Тестларни ечинг. Жавобингизни изоҳланг.

1. Қайси қатордаги гапда паронимларнинг қўлланиши билан боғлиқ хато мавжуд ва мазкур гап қайси нутқ услубига хос?

- А) От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси.
- Б) Мажлисда камчиликлар бирма-бир саналиб, уларни тезда бартараф этиш кераклиги қайт этилсин.
- С) Бутун қишлоқ аҳли ҳашарга чиқиб, жонбозлик кўрсатди.
- Д) Яхшига ёндаш, ёмондан қоч, болагинам.

Аммо шу ўринда шуни ҳам қайд этишимиз лозимки, тест тузиш, тест методикасини танлаш, умуман, тестологияда ҳам муайян қонуниятлар, тартиблар мавжуд. Келтирилган тест топшириғида бу мезонларга амал қилинмаган, натижада тест топшириғи жавобини топиш мушкуллик туғдирмайди. Боиси унда “жавоб вариантларининг ҳажми бир хил бўлиши керак” талабини четлаб ўтилган. Б жавоб бошқаларидан ҳажм жиҳатидан анча узун бўлиб қолган. Тест тузища бунга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, дарсликлардаги МТСларда нутқда сўздан ўринли фойдаланишга алоҳида урғу берилган. Бир сўз билан айтганда, Б.Менглиев ва бошқалар томонидан ёзилган 10-, 11-синф дарсликлиари таркибидағи МТСларни бошқа дарсликлардаги МТСларга нисбатан ўқувчининг нутқий малакаларини ривожлантиришга ва баҳолашда йўналтирилганлиги билан ажralиб туради, десак нотўғри бўлмайди. Аммо бу ҳам етарли даражада эмас деб ўйлаймиз. Буни сабаби яна ДТСларда қўйилган талаблар ва мезоннинг даражаси эканлигини қўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, дарсликларда берилган МТСлар умумий топшириқ тузиш методикасини ўзида

тўлақонли акс эттирмайди, уларнинг методикаси муаллифларнинг шахсий салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолган, аммо давр талаби билан мукаммал тадрижий методика касб этиб бормоқда. Бу эса дарсликларда бериладиган МТСлар методикаси ва лингводидактик асослари юзасидан илмий-амалий тадқиқотлар қилишни тақозо этади. Шу билан бирга, “Она тили” дарсликлидаги МТСлар аксарият ҳолларда ўқувчининг нутқий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилмаган, балки грамматик қонуниятларни ўргатишга ургу берилган. 10-, 11-синф дарсликларининг иккинчи қисмлари бундан мустасно. Дарслик ДТС, ўқитиш ва баҳолашни бирлаштирувчи муҳим илмий-дидактик манба бўлганлиги боис уларда нутқий кўникмаларни баҳолашга йўналтирилган турли топшириқлар, тест топшириқлари: ёпиқ тестлар, очиқ тестлар: қисқа жавобни талаб этадиган, узун жавобни талаб этадиган тестлар, мослаштиришни талаб этадиган тестлардан, оғзаки сўров, мустақил нутқ, баҳс-мунозара кабилардан фойдаланиш шарт.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonun. <https://lex.uz/docs/-5013007>
2. Mahmudov N. va b. Ona tili. 5-sinf uchun darslik. –Toshkent: „Tasvir“ nashriyoti, 2020. – 194 b.
3. Mengliyev B. va b. Ona tili. 10-sin uchun darslik. –Toshkent: „O‘qituvchi“ nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 96 b.